

**САИДАХМЕДОВА Нодира Илхамовна,**  
Ўзбекистон Миллий университети мустақил  
изланувчи тадқиқотчиси, иқтисод фанлари  
номзоди, доцент

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

УДК 332.02

---

## **САИДАХМЕДОВА Н.И. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Мақолада Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кейинги йилларда амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, унинг истиқбол йўналишлари асослаб берилган.

Таянч иборалар: хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги, ислоҳотлар, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари.

---

## **САИДАХМЕДОВА Н.И. АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

В статье проанализированы мероприятия, осуществленные в последние годы в Узбекистане по обеспечению продовольственной безопасности, и на этой основе обоснованы перспективные направления по ее обеспечению.

Ключевые слова: безопасность, продовольственная безопасность, сельское хозяйство, реформы, сельскохозяйственные продовольственные продукты.

---

## **SAIDAKHMEDOVA N. I. TOPICAL ISSUES OF FOOD SECURITY IN UZBEKISTAN**

The analysis of the events, in which food security was supplied in recent years in Uzbekistan, and the perspective trends of food security are discussed in the article.

Keywords: security, food security, agriculture, reforms, agricultural food.

**Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг мустақиллиги, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади.**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида «Бозор иқтисодиёти шароитида тенг ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш мақсадида «Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Жаҳонда ва мамлакатимизда аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани, урбанизация жараёнларининг кучайиши, экологик ҳолатнинг ёмонлашуви, ерларнинг чўлланиши ҳолатининг кучайиши, сув заҳираларининг камайиб бориши ва танқислигининг кучайиши, қишлоқ хўжалигида экин майдонларининг қисқариб бориши, мавжуд суғориладиган ерлардан етарли даражада самарали фойдаланмаслик туфайли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириш имкониятларини кенгайтириш масаласини йилдан-йилга кескин қилиб қўймоқда.

Таъкидлаш лозимки, республикаимизда 1989 йилда ўтказилган статистик тадқиқотлар маълумотларига кўра, истеъмол бозорида аҳоли учун зарур бўлган барча маҳсулотларнинг қарийб 95 фоизи бўйича узилишлар бўлиб турган ва бу собиқ Иттифоқ ҳудудида кундалик асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига карточкалар орқали сотиш тизимини жорий этишга сабаб бўлган эди. 1989 йилда республика статистика органлари томонидан юртимиз аҳолиси ўртасида ўтказилган расмий сўровларда қатнашганларнинг 89,3%и гўшт маҳсулотларини етарли даражада истеъмол қилмаётганини айтган. Бу кўрсаткичлар сут маҳсулотлари бўйича 56,5%ни, шакар бўйича 55,3%ни, қандолат маҳсулотлари

бўйича 49,5%ни, қартошка бўйича эса 17,5%ни ташкил этди<sup>2</sup>.

Ушбу маълумотлар мустақилликка эришиш арафасида республикаимизда озиқ-овқат хавфсизлигига кучли ички ва ташқи таҳдидлар мавжуд бўлганлиги, республика озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ўзи қодир бўлмайд қолганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мустақиллик қўлга киритилганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳаёт-мамот масаласига айланди.

Республикаимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туб аграр ислохотлар асосида қишлоқ хўжалиги экинлари структурасини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган стратегия амалга оширилди. Шу жумладан, мамлакатимизда дон мустақиллигини қўлга киритишга қаратилган дастурнинг амалга оширилиши катта ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этди. Агар 1990 йилда экин майдонларининг ярмидан кўпроғини техник экинлар, шу жумладан, пахта майдонлари ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб, уларнинг майдонлари 35,1% гача қисқартирилди. Шу билан бир вақтда дон экинлари майдонларининг улуши умумий экин майдонларининг 24%дан 45,2%гача оширилди. Бунинг натижасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда дон мустақиллиги қўлга киритилди, озуқабоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин ўсди. Картошка етиштириш 2016 йилда 1991 йилга нисбатан 8,3 баробарга, мевалар салкам 6 баробарга, узум 3,6 баробарга, сабзавот маҳсулотлари 3,3 баробардан зиёдга, полиз экинлари 2,2 баробарга, дон маҳсулотлари етиштириш эса 4,3 баробардан зиёдга кўпайди. Шу билан бирга пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳажми 36,3%га камайди. Унинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: Статистик тўплам. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. –85-86-б.

ҳажмидаги улуши таҳлил даврида 47,7%дан 11%га қисқарди<sup>1</sup>.

Чорвачилик соҳасида ҳам таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Йирик шохли қорамоллар сони 1995 йилдаги 5,2 млн бошдан 2018 йил бошида 12414,7 минг бошга етди. Қўй ва эчкилар сони 1995 йилдаги 9,3 млн бошдан 2018 йил бошига келиб 20680,5 минг бошга етди<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда 2017 йилда 8 миллион 116,5 минг тонна ғалла, 2 миллион 900,2 минг тонна пахта хом ашёси, 12450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 3014,6 минг тонна картошка, 11433,6 миллион тонна сабзавот, 2094,8 минг тонна полиз экинлари, 3076,3 минг тонна мева ва резаворлар, 1748,9 минг тонна узум етиштирилди. Шунингдек, 2281,1 минг тонна тирик вазнда гўшт, 10082,2 минг тонна сут, 6605,5 млн дона тухум олишга эришилди<sup>3</sup>.

Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши туфайли уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори ҳам ўсиб борди. 2016 йилда 1990 йилга нисбатан аҳоли жон бошига сабзавот-полиз маҳсулотлари истеъмоли 2,7 баробарга, картошка 2 баробарга яқин, мева ва узум 6,5 баробарга, тухум 2,4 баробардан зиёдга, гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли салкам 1,4 баробарга, сут маҳсулотлари 1,4 баро-

бардан зиёдга ўсган<sup>4</sup>. Шу боисдан 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди. Бу эса мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигига эришилганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сонли қарорига мувофиқ, пахта майдонларини 2016 йилдан бошлаб 5 йил давомида 170,5 минг гектарга, пахта хом ашёси етиштириш ҳажмини 350 минг тоннага камайтириб борилади. Ғалла экин майдонларини 2017 йил ҳосилдан бошлаб 50 минг гектарга қисқартириш, шу билан бирга ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ғалла етиштириш миқдорларини сақлаб қолиш стратегияси белгилаб берилган<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган<sup>6</sup> «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, эко-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. -Т., 2013. -227-б; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. - Т., 2014. -87-88-б.; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам, 2016 йил. - Т., 2016. -24-б; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. 2016 йил. - Т., 2017. -105-106-бетлардаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>2</sup> Альманах Узбекистана 2013 год. - Т., 2013. -С.114; Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. - Т., 2013. -238-б.; Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. - Т., 2014. -92-93-б; Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2016 йил. - Т., 2016. -35-б; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., 2018. -С. 57.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги боқичга кутариш - асосий вазифамиздир. // «Халқ сўзи», 2017 йил 10 декабрь; Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т., 2018. -С. 51, 54-55-б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. - Т.: «Ўзбекистон», 2011. -87-88-б; Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сон қарори.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

логик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш каби вазифалар белгиланган<sup>1</sup>.

Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш натижасида 2017 йилда биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилди ва 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилди. Шунингдек, 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда карам, турли сабзавот ва кўкатлар экилди ва бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги токзорлар, 1500 гектарда иссиқхоналар барпо этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 724 минг тонна ҳўл мева четга сотилиб, 856 миллион доллар тушум олинди<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги тармоғини янги техника ва технология билан қайта қуроллантириш ва жиҳозлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг натижасида тармоқда меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик кескин оширилади ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллашади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 4 январь куни қишлоқ хўжалигини янги техника ва технология асосида модернизация қилиш мақсадида «Қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлашни янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади. Мазкур қарорга биноан, 2018 йилда баҳорги агротехника ишларини амалга ошириш учун ҳаммаси бўлиб 5778 дона техника харид қилинади, жумладан 758 та ҳайдов ва 1500 та

чопиқ тракторлари, 330 та боғдорчилик мақсадларидаги трактор, 2790 та осма ва тирка-мали қишлоқ хўжалиги техникаси, шунингдек бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиб олиш мавсуми бошланишига 400 та ғалла ўриш комбайни сотиб олинади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5303-сонли фармонида мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар бекор қилинди<sup>4</sup>. Шунингдек, мазкур қарорга асосан 2018 йил 1 февралдан бошлаб истеъмол товарларини республика товар-хом ашё биржаларида сотиш ва сотиб олишга тақиқ бекор қилинди ҳамда истеъмол товарларини товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдоларида сотиш (сотиб олиш) учун улгуржи савдони амалга оширишга лицензия мавжудлиги талаб этилмайдиган бўлди<sup>5</sup>. Қарорга биноан, 2019 йил 1 январга қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёларнинг

<sup>1</sup>«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, 1-илова.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги bosқичга кўтариш - асосий вазифамиздир. // «Халқ сўзи», 2017 йил 10 декабрь.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 январдаги «Қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлашни янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5303-сонли фармони. // «Халқ сўзи», 2018 йил 17 январь.

<sup>5</sup> Ўша фармон.

айрим турлари рўйхати ҳам тасдиқланди<sup>1</sup>. Бунинг натижасида мамлакатимиз ички бозорларини аҳоли истеъмоли учун керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтиришда соғлом рақобат муҳити янада яхшиланади ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга эришилади.

Бизнинг фикримизча, республикаимизда қишлоқ хўжалиги ерларидан, шу жумладан, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга тўсқинлик қилувчи қуйидаги омиллар ва муаммолар мавжуд:

- Марказий Осиё минтақасида, айниқса, Орол бўйи минтақасида экологик вазиятнинг йилдан-йилга ёмонлашиб бораётганлиги;

- қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сув танқислиги муаммосининг кескинлиги. Мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш тизимидаги камчиликларнинг мавжудлиги ва қишлоқ хўжалиги субъектлари ва истеъмолчиларга ўз вақтида кафолатли сув етказиб бериш имкониятининг тўлиқ яратилмаганлиги ҳамда суғориш тармоқлари техник ҳолатининг талаб даражасида эмаслиги;

- ерлар сифати, унумдорлигини ифодаловчи ер бонитет балларининг пасайиб бораётганлиги;

- табиий омиллар, ўз вақтида ирригация ва мелиорация тадбирларининг амалга оширилмаганлиги туфайли мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари ҳажмининг кўпайиб бораётганлиги;

- республикада қишлоқ хўжалик экинларини илмий асосланган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб жойлаштириш масаласининг ҳал этилмаганлиги;

- қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, мутасадди ташкилотлар томонидан ерга оид муносабатларни тартибга солиш, ер ажратиш, хўжаликларда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этишда камчиликларнинг рўй бераётганлиги, шунингдек, экин ерларидан фойдаланиш учун

техника воситаларининг камайганлиги ва етиш-маслиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда;

- қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларидан белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, захира ерларнинг айрим фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши, ерларни қаровсиз қолдириш, айниқса, айрим фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг деҳқон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерлари ва ёрдамчи томорқа ерларида экин экмаслик, уларнинг ўз ҳолича ташлаб қўйилиши;

- ерга ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг агротехник қоидаларига тўлиқ риоя этилмаглиги каби катта камчиликлар мавжуддир.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини ишончли ҳамда барқарор таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалиги ерларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, экин турларини минтақа ва ҳудудлар бўйича жойлаштиришнинг илмий асосланган дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш асосида хўжалик субъектлари ўртасидаги мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш шакллари ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ва ерлардан унумли фойдаланаётган деҳқон хўжаликларининг фаолиятини янада рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан фойдаланувчиларнинг ерлардан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланганликлари учун уларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг, шу жумладан, суғориладиган ерларнинг кескин қисқариб кетишига йўл қўймаслик мақсадида жойларда ер мониторингини мунтазам ва тизимли равишда амалга ошириш ҳамда саноат объектлари ва уй-жой қурилишлари учун қишлоқ хўжалиги экинларини экиш яроқсиз бўлган, балл бонитети паст ерлардан фойдаланиш;

- республика туманлари хокимликлари томонидан фермер ва деҳқон хўжаликларига тарқатил-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5303-сонли фармони. // «Халқ сўзи», 2018 йил 17 январь.

маган ер майдонларини тарқатиш ишларини амалга ошириш ва бу борада уларнинг масъулиятини ошириш;

– фуқароларнинг шахсий томорқа ер майдонларидан фойдаланишини мониторинг қилиш ва улар томонидан қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чораларини кўриш;

– суғориладиган ерлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойда-

ланишни рағбатлантириш, янги ер очган, бўз ерларга сув чиқариб, уларни қишлоқ хўжалиги оборотига тортган ердан фойдаланувчиларни маълум муддатга солиқ тўловларидан озод қилиш;

– хўжаликларда замонавий агротехнологияларни амалда жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2460-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 январдаги «Қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлашни янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-5303-сонли фармони. // «Халқ сўзи», 2018 йил 17 январь.

5. Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш - асосий вазифамиздир. // «Халқ сўзи», 2017 йил 10 декабрь.

6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // «Халқ сўзи», 2017 йил 23 декабрь.

7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.

8. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. - Т.: Госкомстатистика, 2018.